

## Иккита долзарб мавзудаги онлайн конференция

Давр муаммолари бўйича ислохот ва тадбирларнинг ташкил этилиши моҳият эътибори билан аҳамиятга молик. Бундай йўсиндаги тадбирлар соҳага оид муаммоларнинг ечимига имкон туғдиради. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти хотин-қизлар кенгашининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Тошкент Давлат Юридик университети ҳамкорлигида "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда гендер тенглиги" мавзусида онлайн конференция ўтказилди.



2020 йил 30-сентябр куни соат 14:00 да Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг ZOOM платформасида ташкил этилган конференцияга ТИҚХММИ Хотин-қизлар маслаҳат кенгаши раиси Исмаилова Зухра Карабаевна модераторлик қилди. Институтимизнинг биринчи проректори Мирзаев Баҳодир Суюнович конференция аҳамияти ва моҳиятига дахлдор мулоҳазаларини билдириш асносида тадбирни очиб берди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим бошлиғи, полковник Абдуллаева Умида Хазратовнага сўз берилди. У "Тазйиқ ва зўравонликка учраган жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ишларининг самарадорлигини ошириш" ҳамда "Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш тартиби тўғрисида" ўз мулоҳазаларини билдирди.



Кейин "Ўзбекистонда гендер тенглиги ва гендер сиёсати" мавзусида Тошкент давлат юридик университетининг ихтисослаштирилган филиали Хусусий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудир Дилфуза Абдуллаева маъруза қилди. Навбатдаги маъруза мавзуси "Ўзбекистон миллий қонунчилигида гендер тенглик масалалари" деб номланган бўлиб бу бўйича Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти директори ўринбосари, ю.ф.н. Бирлашган миллатлар Ташкилоти гендер тенглиги бўйича халқаро экспертизаси мудир Умарова Шоира Акбутаевна чиқиш қилди. Шу аснода конференция ўз ишини якунлади.

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**